



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI  
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING  
**QARORI**

*O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил “20” феврал.

№ 244

Yangibozor tumani

**Боғолон қишлоғи “Боғолон” маҳалласида яшовчи  
фуқаро Қазақов Хурсандга фермер хўжалиги  
ташқил қилиш учун ер майдони ажратиш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-,53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, Боғолон қишлоғи “Боғолон” маҳалласида яшовчи фуқаро Қазақов Хурсанднинг фермер хўжалиги ташқил қилиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташқил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосан,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташқил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Боғолон қишлоғи “Боғолон” маҳалласида яшовчи фуқаро Қазақов Хурсандга Боғолон қишлоғининг “Боғолон” массивидан туман ҳокими захираси ҳисобидаги 595-, 596- контурида жойлашган умумий ер майдони 6,8 гектар, шундан сугориладиган экин ери 6,4 гектар, ариқ ва зовурлар 0,3 гектар, йуллер 0,1 гектардан иборат ер участкаси узумчилик йўналишида фермер хўжалиги ташқил қилиш учун (40 йил) муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Боғолон қишлоғи “Боғолон” маҳалласида яшовчи фуқаро Қазақов Хурсандга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фуқаро Қазақов

Хурсанд ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаро Қазақов Хурсандга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман статистика бўлими ва туман солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.


5. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман ҳокими



У.Курбанов